2010 йил 24 декабрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 245 (11.806) Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2011 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2011 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 22 декабрь*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан зиёди айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунга яна бир бор исботдир.**

Ислоҳотлар оқимида

## МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Келгуси йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши, шубҳасиз, соҳа равнақи йўлида хизмат қилаётган тадбиркорларимизнинг эл-юрт фаровонлигига қўшадиган ҳиссасини янада оширади.

– 14 йиллик фаолиятимиз давомида бозор талаблари асосидаги маҳсулот турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қиламиз, – дейди «Диенвиди» қўшма корхонаси директори Қобил Яҳёев. – Янги-янги дизайндаги мебель турларини тайёрлашни ният қилган ҳолда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, юксак унумли технологик жиҳозлар ўрнатиш ишлари давом этмоқда ва бунинг самараси яққол кўриняпти. 30 киши меҳнат қилаётган корхонада 100 хилдан зиёд маҳсулот тайёрланади. Хонадон учун мебель жиҳозлари, офис ва ўқув юртлари буюртмаларини бажаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади.

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида корхона маблағлари ҳисобидан 80 фоиздан ортиқ дастгоҳлар янгиланганлиги боис ҳам маҳсулот сифати юксалиб, ҳажми икки бараварга ортди. Италиядан келтирилган замонавий ускунада ўқув юртлари учун бугунги кун талабига мос мебель ишлаб чиқариш имкониятини яратди.

Ҳозирда модернизация ишлари давом эттирилиб, 60 минг еврога тенг инвестиция ҳисобига ёғочни қайта ишлаш технологиясини ўрнатиш тараддуди бошланди. Жорий йил давомида имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда 600 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқарилган бўлса, янги йилда бу кўрсаткичларни ошириш кўзда тутилган. Албатта, бу борада кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун қўшимча имтиёзлар қўл келади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Қонунчилик палатаси Кенгаши таклиф қилган кун тартибини тасдиқлагандан кейин депутатлар мамлакатимиз ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, ташқи сиёсий, экологик ва бошқа соҳаларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси мамлакат автотранспорт тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. Ушбу қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра ҳарбий турдаги автомобиль жамланмаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш имконияти назарда тутилади.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни амалга оширувчи мансабдор шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар, текширишлар ўтказиш асослари ва муддатлари, шунингдек, текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва вазифалари янада аниқ белгиланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги амалдаги қонунларига тузатишлар киритилди.

Моддама-модда муҳокама якунлари бўйича депутатлар мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётини пухта ўрганиш натижасида депутатлар гуруҳи қонунчилик ташаббуси тартибида «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назоратни амалга ошириш ва уйғунлаштириш тартибини такомиллаштириш мақсадини кўзлайди.

Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакилларининг муҳокама чоғида баён қилган таклифларини ҳисобга олган ҳолда Қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат маъқуллаш учун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

Суд тизимининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, судьяларнинг дахлсизлик принципини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси катта аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳужжатда судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун, шунингдек, судьяни ошкора менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик белгиланади. Шу муносабат билан «Судлар тўғрисида»ги Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Фуқаролик-процессуал кодексларига тузатишлар киритилмоқда. Депутатлар муҳокама вақтида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини қўллаб-қувватлаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмитага ушбу ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифаси топширилди.

*(Давоми 2-бетда)*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари ва маърузаларида таъкидланганидек, миллий қадриятлар жамиятни ривожлантиришнинг пойдеворини ташкил этади. Ушбу масала бўйича асосий йўналишлар ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш механизмлари кўрсатилган.**

## БАРКАМОЛ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хусусан, давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этаётганлигини қайд этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан шу йил 23 декабрь куни пойтахтимизнинг талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлик» маънавият ва маърифат марказида ўтказилган давра суҳбати «Миллий қадриятлар ва мамлакат ёшларининг маънавий даражасини юксалтириш» мавзуига бағишланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида одам савдосига қарши курашда ёшлар фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги 69-мактаб негизида таълим муассасалари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди.

✓ **46-МАКТАБДА** «Тараққиёт пойдевори» мавзусида анжуман ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати шаҳар уюшмаси томонидан ХУЖМШ раҳбарлари учун семинар ўтказилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Ўзбекистонда рақамли телерадиоэшиттириш: норматив-ҳуқуқий асослари ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда телерадиоэшиттиришлар соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.**

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан олий таълим муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари бўйича парламент эшитуви ўтказилди.**

**● Навоий вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Зарафшон шаҳридаги «Деҳқон бозори»да қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу аёзли кунларда иссиқхоналарда етиштирилган ёз неъматлари арзонлиги боис шаҳар аҳлига байрам дастурхонини безашда катта қулайлик яратмоқда.**

**● Янги йил байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикасидаги Тўлей магистрал табиий газ қувурлари бошқармаси ходимлари катта қулайликдан баҳраманд бўлдилар. Улар учун 75 оилага мўлжалланган беш қаватли янги турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

**● Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ногиронларни реабилитация қилиш маркази фойдаланишга топширилди. Кўркам марказда беморлар ҳамда ходимлар учун барча қулайликлар яратилган.**

**● Андижон вилояти Булоқбоши туманилик тадбиркор Омина Жўраева маҳалладаги ишлатилмай турган бинони ижарага олиб тикув цехи очди. Натижада 20 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.**

**● Хоразм вилояти Питнак шаҳрида шифер ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Hazorasp Roof» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Бунинг учун корхонага 1 миллиард 56 миллион сўмлик инвестиция жалб этилиб, Хитойдан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада 60 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.**

**● «Агробанк» томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик кредит эвазига Қўрғонтепа туманида «Райҳон чироғи» корхонаси ташкил этилди. Айни пайтда корхонада замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилига 1 миллион жуфт пайпоқ тўқиш имконияти яратилди ва жамоа ички бозорга дастлабки 15 миллион сўмлик маҳсулотини чиқарди.**

### ЖАҲОНДА

**● БМТ Бош ассамблеяси А.Уатторни Кот-д' Ивуар президенти деб тан олди.**

**● Хитой Боливиядан сунъий йўлдош тайёрлаб бериш учун буюртма олди.**

**● Колумбияда бир неча ҳафтадан буён тинимсиз ёғаётган ёмғир катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Жумладан, ер кўчиши натижасида 13 киши ҳалок бўлди, 30 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. 400 оила эса ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлди.**

**● Австрия, Германия ва Македония полициялари ҳамкорликда Македонияда амалга оширган кенг кўламли операция чоғида гиёванд моддаларни Ғарбий Европа мамлакатларига етказиб бериш билан шуғулланаётган халқаро жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди.**

**● Шимолий Корея келаси йилда ўзининг учинчи ядро синовини амалга оширишни режалаштирмоқда.**

**● Нигерия маъмурлари экстремистларнинг хуружи боис нефтни қайта ишлаш заводининг фаолиятини вақтинчалик тўхтатди.**

**● Гана мамлакатида уч миллиард баррель нефть заҳираси мавжуд бўлган кон топилди. Ҳозир бу ердан кунига 55 минг баррелдан нефть қазиб олиш режалаштирилмоқда. Кейинчалик эса мазкур миқдор 120 минг баррелга етказилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу кондан бир йилда 400 миллион АҚШ доллари атрофида даромад кўриш мумкин.**

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги вазифаларни қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқлаштириш мақсадида экологик назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга қаратилган. Ҳужжат атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимида фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва ўрнини ҳам белгилаб беради.

Умуман олганда қонун лойиҳаси экологик назорат тизимини такомиллаштиришга, назорат фаолиятининг уйғунлаштириш механизмини яратишга, барча бўғинлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат ва жамоат бошқаруви органининг ваколатларини белгилашга қаратилган. Ҳужжат идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати хизматларининг ваколатлари ҳамда ўз вазифаларини амалга ошириш тартибини, ушбу соҳадаги бошқа ҳуқуқий муносабатларни аниқлаштиради.

Атрофлича муҳокамадан кейин депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул қўмитага иккинчи ўқишга тайёрлаш вақтида ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган барча таклифларни ҳисобга олиш топширилди.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг муҳокамаси вақтида сиёсий партиялар барча фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари савол-жавобларда қатнашдилар, таклифлар киритдилар. Улар партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда яхлит ҳар бир ҳужжат бўйича ҳам, унинг айрим моддалари хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини депутатлар айниқса фаол муҳокама қилдилар. Қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган энг мақбул таклифлар ҳуқуқий ҳужжатларни узил-кесил маромига етказиш вақтида ҳисобга олинади. Шундай қилиб, қабул қилинган ҳамма қонун ҳужжатлари барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи мавқеларини батафсил ҳисобга олиш, кўриб чиқилган масалалар бўйича муросага келиш ва маъқул ечимларни қидириб топиш натижаси бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати**

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб қилишни таъминлаш натижасида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлигини таъкидладилар. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар марказида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган маънан бой ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси турибди. Шу муносабат билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда қўлга киритилаётган ютуқлар тобора сезиларли бўлмоқда. Таълим, маданият ва санъат муассасалари, музейлар, ижодий уюшмалар, спорт ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, маҳаллалар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг биргаликда ўтказаётган, миллий қадриятларни чуқур ва ҳар томонлама ўргатиш йўли билан ёш авлоднинг маънавий дунёсини кенгайтиришга, бунёдкорлик руҳини шакллантириш ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган ишларининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу йўналишдаги ишлар доимий такомиллашиб бораётганлиги натижасида сўнгги йилларда насл-насабига ва асрлар оша синалган анъаналарга қизиқаётган ёшларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари таълим, маданият, санъат ва спорт муассасалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш борасидаги ишларининг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича фикр алмашдилар. Ёшлар томонидан миллий қадриятларни ўрганиш, ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда ва касбий ўсишларида улардан кенг фойдаланиш, шунингдек, ёшлар ўртасида миллий қадриятларнинг энг яхши намуналарини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш ишларини янада такомиллаштириш зарурлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича давра суҳбати иштирокчилари миллий қадриятларни ҳар томонлама ўрганиш асосида ёшларнинг маънавиятини юксалтириш мақсадида тегишли тавсияларни ишлаб чиқдилар. Бу тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларига юборилади.

Тадбирда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**(ЎзА)**



# ГУЛ ДЎКОНИГА МАРҲАМАТ

**Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби пойтахтимизда ҳам бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал амалга оширилаётир. Бунинг натижасида Тошкент кун сайин чирой очмоқда.**

Янги йил арафасида Кичик ҳалқа йўли кўчасида «Камелия» гул дўкони очилди. Янги дўконнинг ён-атрофи ҳам ўзгарди. Бўш ётган жой ўрнида манзарали ҳовузлар ва шаршарадан иборат «тошлар боғи» барпо этилди, майсазорларга совуққа чидамли гуллар экилди.

«Камелия» пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига Зангиота туманида жойлашган «Ромашка» боғдорчилик маркази томонидан туҳфа қилинди. Дўконда турфа гуллар, 50 турдан ортиқ игнабаргли ўсимликларни харид қилиш мумкин. Сотувда дарахт ва гул кўчатлари, ҳар хил ўғитлар, боғдорчиликка оид китоблар, гулдон ва гултуваклар бор.

– Шу билан бирга бу ерда малакали мутахассислардан кераkли маслаҳат ҳам олиш мумкин, – деди ЎзА мухбирига дўкон раҳбари Гавҳар Ниёзова. – Бундан ташқари, ландшафт дизайни студияси ва кўкаламзорлаштириш маркази ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, «тошлар боғи» ва шаршара яратиш бўйича тавсиялар бериб борилади.

**Рустам ШАГАЕВ**

# ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

**Пойтахтимизда ҳудудий ёшлар студияларининг техник ва ижодий ходимлари учун навбатдаги ўқув-семинари бошланди.**

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиз оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич ва тизимли ислоҳ этиш жараёнида нодавлат электрон медиатармоқларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, журналист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Икки йил аввал Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва қатор жамоат ташкилотлари томонидан жойлардаги ҳудудий нодавлат телерадиостанцияларда ёшлар студиялари ташкил этилган эди. Ўтган вақт мобайнида уларни замонавий рақамли ахборот-коммуникация техникаси, зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, соҳага иқтидорли ёш журналистларни жалб этиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Айни пайтда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти акс эттирилган кўплаб ранг-баранг теледастурлар тайёрланиб эфирга узатилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ҳудудий телестанциялардаги ёшлар студияларининг фаолият кўлами янада кенгайди. Журналистика соҳасига энди кириб келган ижодкорлар, техник ходимлар учун қатор лойиҳалар, кўрик-танловлар, семинарлар, медиа-фестиваллар ташкил этилмоқда.

Беш кун давом этадиган ўқув-семинарда, деб хабар беради ЎзА, ёшлар студиялари фаолиятини янада такомиллаштириш, иқтидорли йигит-қизларнинг билим ва касб маҳоратини оширишга доир машғулотлар ўтказилади.

**Назокат УСМОНОВА**

# ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК НИГОҲИДА

**«Экосан» халқаро жамғармаси, «Меҳрибонлик» ижтимоий ёрдам жамияти туман бўлими, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида «Экология ва ёшлар» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.**

Тадбир Завқий номидаги маданият уйи ҳудудида дарахт экиш акцияси билан бошланди.

Мутахассислар ва ёшлар даврасида ўтказилган давра суҳбати давомида ёш авлоднинг табиатни муҳофаза қилиш масалаларида фаоллигини ошириш, экология мувозанатини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан кўп фикр-мулоҳазалар билдирилди. Орол фожиасига бағишланган «Харитага номи кирмаган саҳро» ҳужжатли фильми намойиши эса ёшларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида ўғил-қизларга мавзуга оид адабиётлар ва плакатлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан янги йил совғалари тарқатилди.

Завқий номидаги маданият уйи бадиий дастаси чиқишлари давра суҳбати иштирокчиларини хушнуд этди.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**«Экосан» жамғармаси бўлим бошлиғи**

**2011 йил кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди. Янги йил ўзига хос байрамлардан бўлиб, унга ҳамма ўзгача кўтаринкиликда тайёргарлик кўради. Кимдир ўтган бир йил давомида амалга оширган ишларини сарҳисоб қилади, яна кимдир янгича режалар тузади. Хонадонларда эса хуш кайфият билан дастурхон безаш тараддудлари бошланади.**

# БАЙРАМ БАРЧАМИЗГА ҚУВОНЧ КЕЛТИРСИН

Янги йил байрамининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у айнан ярим кечада нишонланади. Баъзи уйларда чироқлар ўчирилиб, шамлар ёқилади. Агарда ўша куни қор ҳам ёғиб берса борми, айниқса болакайларга хуш ёқади-да.

Лекин, афсуски, кейинги пайтда бу анъана анчагина ўзгариб, янгича тус олди. Байрам кунини айтмай қўяқолайлик, унга бир ҳафтача қолар-қолмас, кўча-кўйни қулоқни қоматга келтиргувчи банғир-бунғирлар тутиб кетади. Хаёл билан кетаётганингизда, бехосдан оёғингиз остида нимадир пақиллаб кетса, қандай аҳволга тушасиз?

Тан олиш керак, буларнинг асосий сабабчилари бегоналар эмас, биринчи галда ўзимизнинг фарзандларимиздир. Шу ўринда «Бола бола-да, йилда бир марта ўйнаса, нима қилибди», дейдиганлар ҳам учраб туради. Тўғри, ўйинни аввало болага чиқарган. Бироқ шундай деяётганлар ана шу ўйин аксарият ҳолларда қандай салбий оқибатларни келтириб чиқараётганини ҳам жуда яхши билади. Айнан пақилдоқбозлик орқали баъзи болажонларимизнинг бир умрга ногирон бўлиб қолаётгани ўйиндан ўт чиқишининг оқибати эмасми?!

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, пиротехника буюмлари хавфлилигига қарамай, уларнинг муомаласига доир масалалар яқингача қонунчилик билан етарли даражада тартибга солинмаган эди. Нохуш ҳолатлар сони ошиб бораётгани эса кишини сергаклантиради, албатта. Бу борада давлатимиз томонидан ўз вақтида зарур чоралар кўрилмоқда. 2010 йил 22 сентябрда имзоланган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун айнан шу мақсадларни назарда тутади. Ушбу қонун пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялашнинг жорий этилиши ва ўз навбатида, ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарлик назарда тутилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Тўрт моддадан иборат ушбу қонунга кўра, пиротехника буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, қонунга хилоф равишда Ўзбекистонга олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш ҳаракатлари жаримага тортилади, агарда маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексида қайд этилган хатти-ҳаракатлар жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатлари кўзланиб содир этилиб, одам ўлишига сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс «Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи» деб номланган модда билан тўлдирилганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Дастлаб маъмурий жавобгарлик белгиланиши бу хилдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган янги модда бўйича ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилиниб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солиниши назарда тутилди.

Энди масаланинг иккинчи томонига назар ташласак. Фарзандларимиз нархи фалон сўм бўлган бундай пиротехника буюмларига пулни қаердан олмоқда? Албатта, ота-онадан. Оқибатини ўйламаган ҳолда, боламизнинг лаҳзалик қувончи дея, уни бу даражада моддий рағбатлантириб туришимиз тўғрими? «Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олиш осонроқдир» деган нақлни эшитмаган одамни топиш қийин бўлса керак.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, жиноят содир этган шахсга жазо тайинлаб, уни қайта тарбиялагандан кўра, жиноят содир этилишининг олдини олишга кўпроқ аҳамият беришимиз керак. Бу ишда эса фақатгина ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар эмас, балки бутун жамоатчилик иштирок этиши лозим. Албатта, бунда асосий мажбурият аввало оила зиммасига юкланади. Агар оилавий муҳит яхши бўлмаса-чи? Бундай ҳолда бола кўчага интилади. У ерда кимнинг таъсирига тушади? Ким билан мулоқотда бўлади? Афсуски, айрим ота-оналарни бу масала умуман қизиқтирмайди. Ваҳоланки, бола тарбиясида ҳеч қачон бепарволикка, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, ҳар қандай иллат ёки жиноятнинг илдизида аҳлоқсизлик, одобсизлик ётишини наҳотки унутиб қўйган бўлсак? Арзимасдек туюлган оддий муомалада қўполлик, ўзгаларни менсимаслик каби қусурлар вақти келиб каттадан-катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин-ку. Бундай ҳолатларнинг юз бермаслигида эса, яна такрор айтиш лозим, ота-она ва оилавий муҳитнинг ўрни бўлакча. Ачинарлиси, боласининг тарбиясига жиддий эътибор бермайдиган ота-оналар ҳам учраб туради. Бундайлар ҳақида Президентимиз шундай фикр билдирган: «Бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бефарқ қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди...»

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатини асло эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Юқорида пиротехника буюмларини ноўрин ишлатиб, кўнгилсиз ҳодисаларга сабабчи бўлаётган вояга етмаганлар, уларга ушбу буюмларни олиб бераётган ёки бунинг учун пул билан таъминлаётган ота-оналарнинг айбини кўрсатиб ўтдик. Қуйида ана шу маҳсулотлар вояга етмаганларнинг қўлига қаердан тушиб қолаётгани ҳақида фикр юритамиз.

Буни қарангки, асосан хорижий давлатларда тайёрланган пиротехника буюмларининг юртимизга кириб келишида «жонбозлик» кўрсатаётганлар ҳам бегоналар эмас, шу юртда униб ўсган юртдошларимиздир. Бундайларга мўмай даромад бўлса бас, қолгани билан иши йўқ. Ваҳоланки, халқаро ва миллий таснифга кўра, пиротехника буюмлари биринчи тоифага мансуб портловчи материаллар ва буюмларнинг алоҳида рўйхатига киритилган бўлиб, юқори даражада хавфли ҳисобланади. Таҳлиллардан маълум бўладики, сўнгги йилларда бундай маҳсулотларнинг юртимизга кириб келиши кескин кўпайган. Масалан, 2006-2009 йиллар мобайнида республикамиз ҳудуди бўйича пиротехника буюмларини келтириш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун 3481 нафар шахс аниқланиб, улардан 3,3 миллиард донага яқин пиротехника буюмлари олиб қўйилган. Жорий йилнинг декабрь ойи давомида фақат Тошкент шаҳар прокуратураси, СВОЖЖДЛҚК департаментининг шаҳар бошқармаси, унинг ҳудудий бўлимлари, ички ишлар бўлимларининг ўзаро ҳамкорликда ўтказган тадбирлари натижасида тўртта жиноят иши қўзғатилиб, учта маъмурий иш юритилган. Ҳуқуқбузарлардан жами 11 миллион сўмдан ортиқ пиротехника буюмлари олиб қўйилган.

Яна мисолларга мурожаат қилсак, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Ҳ.Асқарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) исмли фуқаро бир кишига 100 минг сўмлик пиротехника буюмларини сотаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган. Унинг уйи кўздан кечирилганда, яна 1 миллион 395 минг сўмлик 5925 дона маҳсулот топилган. Ҳамза туманидаги дўкон эгаси 141,5 минг сўмлик 248 дона пиротехника буюмларини бемалол бошқа маҳсулотлар қаторига қўшиб қўйган. «Чилонзор буюм бозори»нинг автомобиллар тўхташ жойида ўтказилган тадбирда фуқаро Б.Бойқўзиевадан 800 минг сўмлик, Шайхонтоҳур туманида фуқаро А.Азимовадан 700 минг сўмлик ана шундай маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Жорий йил 4 декабрда «Минор» метро бекати атрофида фуқаролар Т.Салимов ва Р.Князевлар текширилганда, уларнинг ёнида 88 дона пиротехника буюмлари борлиги аниқланган. Маълум бўлишича, улар хорижда ишлаб чиқарилган, қиймати 2 миллион 640 минг сўмлик «Трёхдюймовый фонтан» номли пиротехника буюмларини сотиш учун олиб кетаётган экан. Фуқаро А.Романова «тадбиркор»ликда булардан-да учарроқ чиқдики, унинг бир ўзи 2 миллион 890 минг сўмлик 51 дона ана шундай воситани сотиш мақсадида олиб кетаётганда ушланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Эътибор берган бўлсангиз, ҳуқуқбузарларнинг аксарияти аёллар. Аёл эса аввало онадир. Шунинг учун ҳам айнан оналар нафақат ўз фарзандининг, балки бошқа болаларнинг ҳам соғлиғию ҳаётига бефарқ бўла олмайди. Икки нафар фарзанднинг онаси А.Романовани мўмай даромад шу даражада бошини айлантириб қўйибдики, у ўзи сотмоқчи бўлаётган маҳсулотлар кимнингдир жонидан ҳам азиз фарзандига жабр етказишини ўйлаб ҳам кўрмаган. Ёхуд, дейлик, унинг боласи бошқа бировдан ана шундай маҳсулот сотиб олгач, жароҳатланса-чи? «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга» дейилган нақл бекорга айтилмаган, ахир.

Ушбу мақолани бежиз янги йилнинг байрам қилиниши билан бошламадик. Зеро, йилнинг бошқа фаслларидан фарқли ўлароқ, бундай ҳуқуқбузарликлар айни янги йил байрами арафасида авж олиши, бундан ташқари, спиртли ичимликлар истеъмол қилишнинг ҳаддан ошиб кетиши ёки арча атрофига ёқиб қўйилган шамлардан ёнғин чиқиши каби ҳолатларнинг юз бериши ҳам маълум. Бунинг барчаси эса эътиборсизлик ва эҳтиётсизлик оқибати.

Аввало ҳар не қилсак, фарзандларимиз учун ҳаракат қиламиз. Уларнинг соғ-саломат бўлиб, камолга етиши йўлида тинмаймиз. Шу маънода тугаётган йилимизга Баркамол авлод йили номи берилиб, Давлат дастури ҳам қабул қилинди. Дастурда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол авлод сифатида вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилди. Эътироф этиш лозимки, жорий йилда бу борада анчагина ишлар қилинди.

Бу ишлар ҳар биримиз ҳар доим амалга оширишимиз лозим бўлган амаллар бўлиб, керак бўлса, келажак авлоднинг баркамол тарзда вояга етишиши йўлида биз, катта авлод учун, доимий вазифа ва қатъий бурч бўлиб қолиши шарт. Юртбошимиз «Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди» дея, таъкидлаб ўтганидан хулоса чиқаришни ҳам унутмайлик.

Янги йил байрами барчамизга қувонч келтирсин

**Зокиржон ИБРАГИМОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

## Олий ўқув юртларида

# ТАШАББУС АМАЛГА ОШДИ

**Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида тинмай изланмоқда.**

Олий ўқув юртида алоқачи мутахассислар билим даражасини янада ошириш борасида ҳам қатор тадбирлар белгиланди.

Телекоммуникация тармоқларини бошқариш кафедраси нуфузи ҳам ортиб бормоқда. Давр талабидан келиб чиқиб, учта янги ўқув курсида янгича ёндошув амалга оширилмоқда. Ушбу курслар бўйича маъруза матнлари, лаборатория ва амалий иш дастурлари тайёрланмоқда. «Алоқа тизимини бошқариш», «Юқори аниқлик-ахборот тармоқлари» ва «Интернет технологиялари ва хизматлари»га оид бу ишланмалар ректорат томонидан атрофлича ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирлари кўрилди. Махсус буйруқ билан қайд этилган йўналишлар бўйича магистратура талабаларига сабоқ бериш вазифаси кафедрага топширилди. Шу муносабат билан кафедра телекоммуникация тармоқларини бошқариш номида телекоммуникация технологиялари факультети таркибига киритилди.

Лабораториялар замонавий компьютер ва бошқа ускуналар билан қайта жиҳозланди. Натижада фанларни назарий ва амалий жиҳатдан чуқур эгаллаш учун пухта замин яратилди.

Кафедрада илмий тадқиқот ишлари янада ривожланиб, уларга изланувчан талабаларни жалб этишга эришилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

